

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

455 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолияти натижаларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг ўз устида мунтазам ишлашларини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, олий таълим муассасасидан кейин чет элда таълим олишган шахсларни олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнига янада кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган ва ўзларининг аппаратида, таркибий бўлинмаларида, ҳудудий бўғинларида ёки идоравий мансуб ташкилотларида ишлаётган шахслар тўғрисидаги ахборотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясига мунтазам равишда тақдим этилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар:

хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишни ташкил этиш схемаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли ахбороти асосида хорижий дав-

латларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳисоби юритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 25 август,
246-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 25 августдаги 246-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банддаги «(профессор-педагоглар таркиби)» сўзлари чиқариб ташлансин, «ўқитувчи (ассистент)» сўзларидан кейин эса, «ўқитувчи-стажёр» сўзлари қўшилсин;

б) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўқитувчиси (ассистенти)» сўзларидан кейин «ўқитувчиси-стажёри» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Педагог ходимлар лавозимларини эгаллашнинг беш йиллик муддати даврида ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган олий таълим муассасасининг комиссияси томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича ушбу Низомга иловага мувофиқ мезонларга биноан педагог ходимлар фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш тартиби олий таълим муассасасининг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижалари олий таълим муассасасининг илмий кенгашида кўриб чиқилади»;

в) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Кафедра мудирини лавозимини эгаллаш учун танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига, шунингдек тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Доцент (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) кафедра мудирини лавозимини эгаллашга бир беш йиллик муддатга қўйилади.

Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудирини лавозимини эгаллаб турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) фақат истисно ҳолларда олий таълим муассасаси ректорининг тақдимномасига биноан ва бўйсунуши бўйича тегишли вазирлик ёки идоранинг рухсати билан кафедра мудирини лавозимини эгаллаш учун танловда яна иштирок этиши мумкин.

Фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахснинг кафедра мудирини лавозимига танловда кетма-кет учинчи муддатга иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Тиллар, жисмоний тарбия ва спорт, графика ва чизмачилик, маданият ва санъат йўналишлари кафедраси мудирини лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этишга доцент илмий унвонига (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлмаган, бироқ камида 5 йил методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахс қўйилиши мумкин.

5. Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори илмий даражасига, шунингдек тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда фан номзоди илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс камида 5 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш, ушбу кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шарти билан бир муддатга иштирок этиши мумкин»;

г) 6-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан доктори (номзоди) илмий даражасига, шунингдек тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатлар-

нинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин»;

д) 7-банддаги «илмий даража» сўзларидан кейин «(шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига)» сўзлари қўшилсин;

е) 8-банддаги «ўқитувчи (ассистент)» сўзларидан кейин «ўқитувчи-стажёр» сўзлари қўшилсин;

ж) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Ўқишни тугаллаш йилида олий таълим муассасаси магистратурасининг битирувчиси бўш лавозимлар мавжуд бўлган тақдирда тақсимот бўйича 3 йил муддатга танловдан ташқари ўқитувчилик лавозимига тайинланади. Ушбу муддат фақат давлат гранти асосида ўқишни тамомлаган магистратура битирувчилари учун қўлланади»;

з) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Олий таълим муассасаси сайлаш муддати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, шунингдек бўш лавозимларга кафедра мудирилари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар (ассистентлар) ва ўқитувчилар-стажёрлар лавозимларини эгаллашга танлов эълон қилади»;

и) 15-банднинг иккинчи хатбошидаги «илмий даража» сўзларидан кейин «(шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига)» сўзлари қўшилсин;

к) 20-банднинг учинчи хатбошидаги «шунингдек муайян лавозим учун фақат битта номзоддан ариза тушганда» сўзлари чиқариб ташлансин;

л) 24-бандда:

биринчи хатбошидаги «профессор-ўқитувчилар таркибидаги» сўзлари «педагог ходимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ходим меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга киришиши шарт бўлган муддат томонларнинг келишуви бўйича белгиланади, бироқ ушбу муддат бир ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Педагог ходимларнинг ёзги каникул (таътил) даври ушбу муддатга кирмайди»;

м) 25-банднинг тўртинчи хатбошидаги «профессор-ўқитувчилар таркиби» сўзлари «педагог ходимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 26-банддаги «ўқув йили тугагандан кейин» сўзлари «олий таълим муассасаси ректори томонидан белгиланган муддатларда (қоидага кўра, ўқув семестри, йил тамом бўлгандан кейин)» сўзлари билан алмаштирилсин;

о) 27-банднинг биринчи хатбошидаги «профессор-ўқитувчилар таркиби» сўзлари «педагог ходимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

п) 28-банднинг иккинчи хатбошидаги «профессор-ўқитувчилар таркибидаги» сўзлари «педагог ходимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 29-бандда:

иккинчи хатбошидаги «олдин унинг ишлари ректор тасдиқлайдиган

комиссия томонидан текширилиши керак» сўзлари «олдин унинг фаолияти ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган комиссия томонидан ўрганиб чиқилиши керак» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ўқитувчи (ассистент)» сўзларидан кейин «ўқитувчи-стажёр» сўзлари қўшилсин;

с) 30-банддаги «профессор-ўқитувчилар таркибидаги шахслар» сўзлари «педагог ходимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

т) қуйидаги мазмундаги илова қўшилсин:

«Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар	Баҳо
Ўқув-методик фаолияти (40 балл)		
1.	Ўқитувчилик фаолияти (20 балл):	
1.1.	Назарий билимларни, амалий кўникмаларни ва ўқитиладиган фаннинг замонавий тенденцияларини эгаллаганлик даражаси (очиқ машғулотлар натижалари бўйича)	
1.2.	Ўқитиш сифати даражаси (талабалардан сўраб чиқиш натижалари бўйича)	
1.3.	Талабаларнинг ўқитувчининг йўлланмаси (фани) бўйича олимпиадаларда, ҳар хил танловлар ва илмий грантлардаги иштироки	
2.	Методик ишлар (20 балл):	
2.1.	Йил мобайнида олий таълим муассасаси ўқитувчиси томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сони	
2.2.	Ўқитишда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси, ўқув курсини ва ўқув-тақдимот материалларини ишлаб чиқиш	
2.3.	Ўқув жараёнида замонавий таълим технологиялари ва талабалар билимларини баҳолашнинг илғор усуллари қўлланилиши даражаси	
Тарбиявий фаолияти (20 балл)		
3.	Талабалар билан тарбиявий иш бўйича тадбирларда иштирок этиш: маънавий-маърифий ишлар, спорт клублари, илмий, ижодий тўғарақлар, маданий тадбирлар ва шу кабилар	
4.	Талабаларнинг академик гуруҳларида кураторлик	
5.	Талабаларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этишдаги иштироки	
6.	Идора, минтақа доирасида бажариладиган жамоатчилик ишлари ва олий таълимдан ташқари ишлар	

Т/р	Кўрсаткичлар	Баҳо
Илмий фаолияти (30 балл)		
7.	Илмий конференциялар ишида иштирок этиш	
8.	Илмий нашрларда (шу жумладан хорижий илмий нашрларда) материаллар, монографиялар эълон қилиш	
9.	Халқаро, илмий лойиҳаларга, хўжалик шартномаларига раҳбарлик қилиш ёки уларда иштирок этиш	
10.	Патентлар ва ихтиролар сони	
11.	Катта илмий ходимлар — изланувчиларнинг диссертация тадқиқотларига илмий раҳбарлик қилиш	
12.	Докторлик диссертацияси доирасида илмий тадқиқот олиб бориш	
Олий таълим муассасасини ривожлантиришга қўшган улуши (10 балл)		
13.	Бошқа таълим муассасалари: олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда иштирок этиш (ўқитувчилик фаолияти ва улар учун билимлар даражасини ошириш тренингларини ташкил этиш)	
14.	Хорижий олий таълим муассасалари билан айирбошлаш дастурларида иштирок этиш ва уларни ташкил этиш	
15.	Янги йўналишни, янги кафедраны, лабораторияни очиш ишида, Ахборот-ресурс марказининг электрон базасини тўлдирishда иштирок этиш	
Шахсий фазилатлари (10 балл)		
16.	Илмий даража ва илмий унвон	
17.	Малака ошириш курсларидан ўтиш	
18.	Хорижий тилларни эгаллаганлик, материалларни ишлаб чиқиш ва фанни ўқитишда улардан амалда фойдаланиш	
19.	Хорижий таълим муассасалари ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиш	
ЖАМИ (энг кўп балл — 110)		

Изох: олий таълим муассасасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, кўрсаткичлар ичида тегишли мезонлар бўйича балларни тақсимлаш олий таълим муассасаси томонидан белгиланади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 1 августдаги 164-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 40-модда):

а) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар
таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий
лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдорлари	
	I гуруҳ	II гуруҳ
1. Кафедра мудири:		
фан доктори илмий даражасига ёки профессор унвонига эга бўлган	1 802 415	1 721 777
фан номзоди илмий даражасига ёки доцент унвонига эга бўлган, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 721 777	1 655 821
илмий даражага эга бўлмаган	1 655 821	1 589 509
2. Профессор:		
фан доктори илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг илмий даражаларига эга бўлган	1 721 777	1 655 821
фан номзоди илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг илмий даражаларига эга бўлган	1 655 821	1 589 509
илмий даражага эга бўлмаган	1 589 509	1 511 061
3. Доцент:		
илмий даражага ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 589 509	1 511 061
илмий даражага эга бўлмаган	1 511 061	1 433 508
4. Катта ўқитувчи:		
илмий даражага ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 511 061	1 433 508
илмий даражага эга бўлмаган	1 433 508	1 357 681
5. Ассистент, ўқитувчи:		
илмий даражага ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 357 681	1 282 486
илмий даражага эга бўлмаган	1 282 486	1 208 431
6. Ўқитувчи-стажёр	1 131 557	

Изоҳлар:

1. Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар ма-лакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар тегишли лавозимлар учун ҳам қўллани-лади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Профессорлар ва доцентларнинг базавий лавозим маошлари тегишли равишда профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга (катта илмий ходимга) белгиланади.

3. Профессор-ўқитувчилар таркибидан профессор ёки доцент лавозим-ларига тайинланган, бироқ тегишли илмий унвонга эга бўлмаган шахсларга икки йилгача бўлган муддатга базавий лавозим маошлари қуйидаги миқдор-ларда белгиланади:

профессор — 1 589 509 сўм;

доцент — 1 511 061 сўм»;

б) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдорлари	
	I гуруҳ	II гуруҳ
1. Ректор:		
академик илмий унвонига эга бўлган	2 033 591	1 950 979
профессор илмий унвонига, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган илмий даража-сига эга бўлган	1 950 979	1 868 807
доцент илмий унвонига, фан номзоди илмий даража-сига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 868 807	1 802 415
2. Ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор:		
профессор илмий унвонига, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган илмий даража-сига эга бўлган	1 868 807	1 802 415
доцент илмий унвонига, фан номзоди илмий даража-сига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 802 415	1 721 777

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдорлари	
	I гуруҳ	II гуруҳ
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	1 721 777	1 655 821
3. Халқаро алоқалар, капитал қурилиш ва молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор:		
профессор илмий унвонига, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган	1 760 106	1 693 638
доцент илмий унвонига, фан номзоди илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 693 638	1 626 864
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	1 626 864	1 559 993
4. Филиал директори:		
академик илмий унвонига эга бўлган	1 950 979	1 950 979
профессор илмий унвонига, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган	1 868 807	1 868 807
доцент илмий унвонига, фан номзоди илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 802 415	1 802 415
5. Филиал директорининг ўринбосари:		
профессор илмий унвонига, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган	1 802 415	1 802 415
доцент илмий унвонига, фан номзоди илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 721 777	1 721 777
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	1 655 821	1 655 821
6. Декан:		
илмий унвонга ёки илмий даражага, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	1 721 777	1 721 777
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	1 655 821	1 655 821
7. Декан ўринбосари:		
илмий унвонга ёки илмий даражага ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа	1 655 821	1 655 821

Лавозимлар номи	(сўм)	
	Базавий лавозим маошлари миқдорлари	
	I гуруҳ	II гуруҳ
доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	1 589 509	1 589 509
8. Ҳисоблаш маркази бошлиғи	660 948	618 587

Изоҳ.

Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 25 августдаги 246-сон қарорига
2-ИЛОВА

Хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбарининг илова хати. Хатда хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, лавозими, хорижда олинган ҳужжатнинг берилган санаси, серияси ва тартиб рақами, ҳужжат олинган мамлакат ва муассаса, илмий даражанинг расмий номи, ҳимоя қилинган диссертация бўйича мутахассислиги, диссертациянинг мавзуси кўрсатилиши зарур.

2. Хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражаси ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар тўғрисидаги дипломнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхаси.

3. Хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражаси ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларни бериш тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржимаси.

4. Иш жойи бўйича тасдиқланган, белгиланган шаклдаги маълумотнома.

5. Талабгорнинг диссертацияси нусхаси, шунингдек мавжуд бўлганда — авторефератининг нусхаси.
6. Ходимнинг имзоси билан илмий ишлари рўйхати.
7. Ходимнинг илмий журналларда нашр этилган мақолалари нусхалари.
8. Ходим паспортининг нусхаси.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишни ташкил этиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I bosqich	Хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахс (кейинги ўринларда илмий даражага эга бўлган шахс деб аталади) ишлайдиган ташкилот, ушбу қарорга 2-иловада тасдиқланган рўйхатга асосан бўйсунуви бўйича тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органига, маҳаллий давлат ҳокимияти органига ҳужжатларни тақдим этади.	Ходимни ишга қабул қилгандан кейин 10 кун мобайнида
II bosqich	Давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ушбу қарорга 2-иловада тасдиқланган рўйхатга асосан илмий даражага эга бўлган ходимнинг ҳужжатларини Олий аттестация комиссиясига илова хат билан тақдим этади.	Ҳужжатлар келиб тушишига кўра
III bosqich	Олий аттестация комиссияси томонидан илмий даражага эга бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш учун тегишли ҳужжатлар қабул қилинади.	Ҳужжатлар келиб тушишига кўра
IV bosqich	Олий аттестация комиссиясининг Тартибот комиссияси ҳужжатларни кўриб чиқади, техник жиҳатдан экспертизадан ўтказди ва Олий аттестация комиссияси Раёсатига тавсиянома беради.	Ҳужжатлар келиб тушишига кўра
	↓	
	Олий аттестация комиссиясининг Тартибот комиссияси қарорига асосан, зарур ҳолларда, кўшимча маълумотлар олиш учун қуйидагиларга сўровнома юбориши мумкин: иш жойи бўйича ташкилотга; илмий даража тўғрисидаги диплом берган ташкилотга; бошқа ташкилотларга.	

Босқичлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
V босқич	Олий аттестация комиссияси Раёсати илмий даражага эга бўлган ходим тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш (ёки маълумотларни ҳисобга олишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади.	Ҳар ойнинг III ўн кунлигида
VI босқич	Илмий даражага эга бўлган ходим тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш (ёки маълумотларни ҳисобга олишни рад этиш) тўғрисидаги ахборот Олий аттестация комиссияси хати билан давлат ва хўжалик бошқаруви органига, маҳаллий давлат ҳокимияти органига юборилади.	Ҳар ойнинг I ўн кунлигида
VII босқич	Давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи тегишли ташкилотга илмий даражага эга бўлган ходим тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш (ёки маълумотларни ҳисобга олишни рад этиш) тўғрисидаги ахборотни илова хат билан юборади.	Ҳар ойнинг II ўн кунлигида

Изоҳ: илмий даражага эга бўлган ходим бошқа ишга ўтган тақдирда Олий аттестация комиссияси хатининг (олдинги иш жойи бўйича ташкилотнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган) нусхаси берилади.